тадқиқотлар институ

SHU AZIZ VATAN — BARCHAMIZNIKI

O'ZBEKISTON OVOZI

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

• 2006-yil • 13-aprel • Payshanba • 43 (27.535) • www.uzbekistonovozi.uz • 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan

АНДИЖОННИНГ БУГУНГИ ТАРОВАТИ

ЮРТИМИЗГА ЯНА БАҲОР КЕЛДИ. АНДИЖОН ШАҲРИДА ЮЗ БЕРГАН ФОЖИАЛАРДАН СЎНГ ОРАДАН САЛКАМ БИР ЙИЛ ВАҚТ ЎТДИ. ШУ ҚИСҚА ДАВРДА БУ ЮРТДА ҚАНДАЙ ЎЗГАРИШЛАР ЮЗ БЕРДИ, АНДИЖОНЛИКЛАР ҚАНДАЙ ОРЗУ-НИЯТЛАР БИЛАН ЯШАМОҚДА?



Бугун Андижонга келган одам бутун шаҳар баҳор оғушида ўзгача ороланганига гувоҳ бўлади. Шаҳар яшилликка бурканган, чаманзорга айланган майдонларда, равон йўллар четида, кўм-кўк арчалар орасталигига мос гуллар юз очяпти. Янгиланиш, яшариш, гўзаллик кундан-кунга ўз ҳуснини ёрқин намоён этмоқда. Маҳаллалардан эшитилаётган карнай-сурнай садолари тўй-ю томошалар тинчлик-омонликдан дарак беради. Айниқса, Марказий майдон яқинидаги Алишер Навоий номидаги маданият ва истироҳат боғига киришингиз билан Андижонга хос ҳаёт нафасини сезасиз. Бир томонда кекса отахонларнинг гурунги, иккинчи томонда болажонларнинг шодон қийқириғи, сайр қилиб юрган ёшлар...

— Бу ерга набираларимни олиб тез-тез келиб тураман, — дейди ўзини Исмоил Ўрмонов деб таништирган отахон. — Атрофга қараб хурсанд бўламан, фахрланаман. Қаранг, қандай озода, ораста... Буларнинг барчаси юртимиздаги тинчлик туфайли, албатта. Буни қадрлашимиз, авайлаб-асрашимиз керак...

Отахоннинг гапларини эшитар эканман, бир йил олдин бу жойлар қандай бўлганини эслайман. Боғдан сал нарида бозор бўларди. Унда на сотувчига, на харидорга шароит бор эди. Йўлаклар тор, қишда лой, ёзда чанг-тўзон бўладиган эски бозор ўрнида замонавий услубда қурилган тоза, озода, барча талабларга жавоб берадиган бозор қад ростлади. Маданий-маиший объектлар, чойхона, дам олиш хоналари барчаси шаҳарликлар ва меҳмонлар хизматида. Бозорда тўкин-сочинлик, ҳамма нарса муҳайё.

— Бозорга тушгандим. Ўзим Андижон туманининг Заврок қишлоғидан бўламан, — дейди Жалолиддин Турдиев. — Катта ўзгаришларни кўриб дилим яйраб кетди. Қадрдон ўртоғим Исмоилни учратиб қолдим. Иккаламиз узоқ йил ўқитувчилик қилганмиз. У билан бир отамлашай деб чойхонага киргандик. Боғдаги шароитларни қаранг, боғи эрам ҳам бўлса шунчалик бўлар. Юртимиз, Андижонимиз кун сайин чирой очяпти. Кўз тегмасин.

— Инсонга ҳамиша яхши ният йўлдош, дейдилар. Аммо ўтган йили Андижонимизни вайрон қилишга уринганлар қўлидан бунёдкорлик эмас қўпорувчилик, эзгулик эмас фақат ёвузлик келади. Улар туфайли қанча бегуноҳ инсонларнинг қони тўкилди, халққа, давлатимизга зиён-заҳмати тегди, — дейди яна бир отахон Исмоил Алиев. — Ҳозиргина Бобур номидаги вилоят театри томондан келдим, катта қурилишлар бўлаяпти. Маҳобат билан қад ростлаётган театримизни кўриб айниқса, кўнглим ёришиб кетди. Миллий ва замонавий шаклда жуда гўзал театр бўлаяпти.

Ана шундай улкан бунёдкорлик ишлари террорчилар талафот етказган вилоят ҳокимлиги биносида ҳам ниҳоясига етказилмоқда. Шаҳар марказида қад ростлаган Андижон давлат тиббиёт институти қошидаги академик лицейнинг янги биноси ҳам шаҳар кўркига кўрк қўшди. Бугун бу ерда юзлаб андижонлик ёшлар таълим-тарбия олишмоқда.

Шаҳарга чиқиб тасодифан оломонга қўшилиб қолган ва террорчилар қуршовида Қирғизистон Республикаси ҳудудидаги қочоқлар лагерига тушган Абдуллажон Қурбонов у фожиали кунларни алам ва нафрат билан эслайди.

2-бет

ЛОЙИҲАНИНГ ИККИНЧИ БОСҚИЧИ

НУКУС (ЎзА мухбири А.Ортиқбоев). БМТнинг Тараққиёт дастурига мувофиқ, Оролбўйида аҳолини соф энергия билан таъминлаш мақсадида амалга оширилаётган лойиҳанинг иккинчи босқичи бошланди.

Лойиҳанинг биринчи босқичида Тахтакўпир туманидаги «Қўструба» овулида қуёш нуридан электр энергияси ишлаб чиқарадиган фотоэлектр станцияси қурилган эди. Бугунги кунда овулдаги 15 хонадон ана шундай соф электр энергиясидан унумли фойдаланмоқда.

Иккинчи босқичга кўра, Оролбўйидаги яна 21 хонадонга ана шундай қулайликлар яратиб берилади.

«АЁЛЛАР ВА ЁШЛАР — ТЕРРОРИЗМГА ҚАРШИ»

Яқинда Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси Тошкент вилоят ўрта махсус касб-ҳунар таълими бошқармаси билан ҳамкорликда «Аёллар ва ёшлар терроризмга қарши» мавзуида тадбир ўтказди.

Қуйичирчиқ туманида бўлиб ўтган ушбу анжуманда маҳалла фуқаролар йиғини оқсоқоллари ва маслаҳатчилари, талаба-ёшлар, хотин-қизлар кенгаши раислари, ҳуқуқ-тартибот идоралари ҳамда шоир ва санъаткорлар иштирок этди.

Маълумки, Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси қатор вилоятларда ташкил этган ана шундай тадбирларда бугунги ёш авлод ҳамда хотин-қизлар ўртасида огоҳлик ва ҳушёрлик туйғусини кучайтиришга жиддий эътибор қаратиб келмоқда. Тадбирда Хотин-қизлар қўмитаси ахборот-матбуот маркази раҳбари Ханифа Зокирова жойларда бу борада амалга оширилаётган ишлар ҳақида маъруза қилди. Шундан сўнг сўзга чиққан шоира Зулфия Мўминова ва бошқалар бугун жаҳон афкор оммаси диққат-эътиборини жалб этиб турган терроризм, диний-экстремизм ва унга қарши курашишда лоқайд бўлмаслик, огоҳлик ва ҳушёрлик бўйича ўз мулоҳазаларини билдирдилар.

Дилором ЖУМАНИЁЗОВА,
ЎзДЖТУ халқаро журналистика факультети I курс талабаси

ЎзХДП: партия аъзоларини қайта рўйхатдан ўтказиш

СОН ЭМАС, СИФАТ МУҲИМ

Ўз сафларида 33298 нафар аъзони бирлаштирган Ўзбекистон Халқ демократик партияси Бухоро вилоят ташкилотларида бугун иш янада қизғин. 876 та бошланғич партия ташкилотида аъзоларни қайта рўйхатдан ўтказиш ишларига жиддий эътибор берилмоқда. Шу йилнинг ўтган даври мобайнида 439 та бошланғич партия ташкилоти бу сиёсий-ташкилий жараёнда ярим довондан ошдилар. Мазкур бошланғич ташкилотларда ҳисобда турган аъзоларнинг қарийб 70 фоизи қайта рўйхатдан ўтказилди. Бухоро, Вобкент, Ғиждувон, Қоракўл, Когон, Шофиркон туман партия кенгашлари ҳузурида ташкил этилган қайта рўйхатдан ўтказишни амалга оширувчи комиссиялар жадвал асосида иш юритганлари боис ишда самара бўлмоқда.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, мазкур жараёнда кўпгина сафдошларимиз ЎзХДП V қурултойи ишлаб чиққан бош йўлни, партиянинг янги мафкуравий мўлжалини, дастурий мақсадларга йўналтирилган сиёсатини тўла маъқуллаган ҳолда ўз фаолиятларини яна давом эттиражакларини баён қилмоқдалар.

— Аввало мен аъзоларни қайта рўйхатдан ўтказишга сабаб бўлган зарурият моҳзини чақдим, — дейди биз билан суҳбатда Бухоро туманидаги Мошкорон қишлоғида яшовчи меҳнат фахрийси Нуриддин Тоиров. — Аччиқ бўлса ҳам айтаман. Кейинги пайтларда, айниқса, ўтган сайловлар арафасида казо-казо сафдошларимиз ХДПдан бошқа сиёсий партияларга енгилгина ўтиб кетдилар. Ёки партиямиз ғояларини, сиёсатини рўёбга чиқаришга унчаям ҳаракат қилмайдиганлар ҳали ҳам орамизда бор. Ҳозир улар билан очиқчасига гаплашиб оладиган вақт келди.

Шу тумандаги Қавала ҳудудий партия ташкилотида ҳисобда турувчи ўқитувчи Дилором Нурованинг айтишича, у партиянинг V қурултойида қабул қилинган янги Дастурдан жуда кўнгли тўлган. Сабаби унда аҳолининг ижтимоий заиф қатламларини партия ўз ҳимоясига олган. Шунинг учун ҳам бу партия сафида умрбод қоламан, деди у.

— 1993 йилдан буён ЎзХДП аъзосиман, — дейди Шофиркон туман марказий касалхонаси шифокори Неъмат Латипов. — Шу пайтгача мени ҳеч ким ҳозиргидек мулоқотга тортмаган, ҳолинг не деб сўрамаган. Партия ҳаётидаги жиддий ўзгаришлардан хабарим бор. Биз, шифокорлар партия электорати эканлигимизни билган ҳолда унинг сўллик ғояларини, дастурий устуворликларини маъқуллаймиз. Бундан кейин янада фаолроқ бўламиз.

Вобкент туманидаги иқтисодиёт касб-ҳунар коллежи аъзоларини қайта рўйхатдан ўтказиш жараёнида 30 нафар ёш йигит-қиз ЎзХДПга хайрихоҳ эканлигини билдирди.

— Партиянинг кучи аъзоларининг кўплигида эмас, — деди Вобкент туман партия кенгаши раиси Толиб Авезов. — Бугун бизга сон эмас, сифат керак. Қайта рўйхатдан ўтказилган 40 та бошланғич ташкилотида эътиқоди суст, партия ғояларининг ҳаётийлигини сезмайдиганлар ҳам учради. Улар ўз хоҳишлари билан қайта рўйхатдан ўтмадилар. Бу эса катта йўқотиш эмас.

Яна шуни айтиш керакки, қайта рўйхатдан ўтказиш жараёнида Олот, Пешку, Жондор, Ромитан туманларида айрим нуқсонларга йўл қўйилмоқда. Бу эса мазкур туманлар партия кенгашлари раислари ушбу ташкилий-сиёсий жараён партия тақдирига дахлдорлигини тўла англаб етмаганларидан далолатдир.

Даврон БАҲРОНОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири

КОМИССИЯ ЙИҒИЛИШИ

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасида Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссиянинг йиғилиши бўлиб ўтди. Уни Республика Бош прокурори, мазкур комиссия раиси Р.Қодиров бошқарди.

Хоразм, Навоий ва Наманган вилоятларида болаларнинг назоратсиз ва қаровсиз қолиши ҳолатлари, бундай муҳитда юз бериши мумкин бўлган ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликнинг олдини олиш ҳамда аҳолига, айниқса, қишлоқ жойларида яшовчи ёшларга кўрсатиладиган тиббий, ижтимоий, маданий хизматнинг сифати ва кўламини оширишга оид ишларнинг аҳволи тўғрисидаги масалалар муҳокама қилинди.

Таъкидланганидек, мамлакатимизда ёшларнинг ижтимоий ҳимояси тобора кучайтирилаётгани ва амалга оширилаётган изчил профилактика тадбирлари натижасида вояга етмаганлар орасида жиноятчилик камаймоқда. Бунда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш мақсадида таълим муассасаларида ҳуқуқ-тартибот органларининг масъул ходимлари иштирокида ўтказилаётган турли тадбирлар яхши самара бермоқда.

Бу борада Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги томонидан «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ва бошқа мутасадди ташкилотлар билан ҳамкорликда болаларнинг қаровсиз ҳамда назоратсиз қолиши олдини олишга қаратилган тарбиявий-профилактика тадбирлари олиб борилаётгани ҳам муҳим аҳамиятга эга.

Хоразм вилоятида болалар спорти ривожи учун мавжуд шароитлар яхшиланаётганлиги туфайли болаларни спортга жалб қилиш ва уларнинг тўгаракларга қатнашиши сезилари даражада ортган.

Вояга етмаганлар ишлари бўйича Навоий вилояти комиссияси фаолияти халқ депутатлари вилоят Кенгашининг сессиясида муҳокама этилиб, бу борадаги ишлар самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари кўрилгани эътиборга лойиқдир.

Наманган вилоятида эса ҳуқуқбузарликка мойил болаларнинг бўш вақтларини самарали ўтказиш учун «Устоз-шогирд-педагог» лойиҳаси асосида ўсмирларга касб ўргатиш ишлари яхши ташкил этилган. Вояга етмаганлар орасида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш мақсадида Поп ва Учқўрғон туманларидаги мактабларда жамоатчилик асосида «Маҳалла сардорлари» ҳаракати ташкил этилганлиги ижобий натижа бераётир.

Йиғилишда бу борада ҳали қатор камчиликлар мавжуд эканига эътибор қаратилди. Бош прокуратура томонидан қишлоқ жойларида яшовчи ёшларга кўрсатиладиган тиббий, ижтимоий, маданий хизматларнинг сифати ва ҳажмини оширишда йўл қўйилган қонунбузилиш ҳолатларини бартараф қилиш бўйича Олий ва ўрта махсус таълим, Соғлиқни сақлаш ҳамда Маданият ва спорт ишлари вазирликларига тегишли тақдимномалар киритилгани таъкидланди.

Йиғилишда мавжуд камчиликларни бартараф этиш, фойдаланилмаётган имкониятларни ишга солиш юзасидан зарур чора-тадбирлар белгиланди.

Мажлисда Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосарлари С.Иномова ва Р.Қосимов иштирок этди.

Беҳзод НОРБОЕВ,
ЎзА мухбири

«ЎЗБЕКИСТОН БЕТАКРОР САЙЁҲЛИК САЛОҲИЯТИГА ЭГА»

Германиянинг «Messe Berlin» кўргазмалар мажмуасида «ITB-2006» халқаро сайёҳлик ярмаркаси ниҳоясига етди. Дунёнинг 183 мамлакати вакиллари иштирокида ўтган ушбу тадбирда «Ўзбектуризм» Миллий компанияси ҳамда мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган қатор хусусий сайёҳлик компаниялари ҳам қатнашди. Мазкур халқаро тадбир доирасида мамлакатимизнинг Берлиндаги элчихонасида Ўзбекистон сайёҳлик салоҳиятининг тақдимоти бўлиб ўтди.

Унда БМТнинг Бутунжаҳон сайёҳлик ташкилоти Бош котиби Франческо Франжиалли, ГФР сиёсий, ишбилармон ва жамоатчилик доиралари ҳамда Европада ном қозонган сайёҳлик компаниялари вакиллари иштирок этди.

Маросимда «Ўзбектуризм» Миллий компаниясининг раҳбари Р.Қурбанов тақдимот қатнашчиларини Ўзбекистоннинг сайёҳлик салоҳияти, мавжуд инфратузилма ҳамда сармоя киритиш юзасидан катта ва қулай шарт-шароитлар билан атрофлича таништирар экан, Германия ҳамда Европанинг сайёҳлик соҳасидаги етакчи тадбиркорларини икки томонлама манфаатли ҳамкорликка даъват этди.

— Мен Хива шаҳрининг фахрий фуқароси эканлигимдан ҳамда Ўзбекистонни, айниқса, унинг сайёҳлик соҳасини яқиндан билишимдан фахрланаман, — деди Бутунжаҳон сайёҳлик ташкилоти Бош котиби. — Ўзбекистон собиқ иттифоқ ҳудудидаги давлатлар орасида сайёҳлик соҳаси ривожига жуда катта эътибор бериб келаётган мамлакатдир. Шарқнинг беназир дурдоналари — Ўзбекистондаги Самарқанд, Бухоро, Хива каби шаҳарларнинг ўзиёқ мамлакатнинг улкан сайёҳлик салоҳиятидан далолатдир. Айни пайтда биз ПРООН билан ҳамкорликда Ўзбекистон муҳим ўрин тутадиган «Буюк ипак йўли» лойиҳасини ишлаб чиқмоқдамиз.

Тадбирда «Ventus Reisen» компанияси вакиллари сўз олишиб, Ўзбекистонда хорижий сайёҳлар хавфсизлиги тўла таъминланишини ва дунё сайёҳларини фақат ўзига хос ва бетакрор ўзбекона меҳмондўстлик кутишини алоҳида таъкидладилар.

Тақдимотда ўзбек миллий ҳунармандчилик санъати намуналари, «Ўзбекистон: замонавийлик ва анъаналар» фотокўргазмаси, Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Хива ва Шаҳрисабз шаҳарларидаги тарихий меъморчилик обидалари ҳақида ҳикоя қилувчи видеолавҳалар ҳамда ўзбек мусиқа усталари ижодига мансуб мумтоз ва замонавий куй-қўшиқлар меҳмонлар эътиборига ҳавола этилди.

Маҳмуд БОБОНАЗАРОВ,
«Жаҳон» АА
Берлин

O'zbekiston havo yo'llari
TOSHKENT XALQARO AEROPORTI
Хизматлар лицензияланган

O'ZSANOATQURILISHBANK
KO'PLARNI TANISHADI – MUNOSIBLARNI TANLASHADI!
Tel: 120-45-01, 120-45-82, факс: 133-32-40
www.uzpsb.com e-mail: info@uzpsb.com
Хизматлар лицензияланган

TOSHKENT SHAHAR MUNITSIPAL BIRJA MARKAZI
MULKDORGA HAMKOR!
Tel: 132-25-51, 133-46-61, Faks: 133-20-74
WWW.tshmbm.uz E-mail: info@tshmbm.uz va Birja@mail.tps.uz
Хизматлар лицензияланган

Миллий ҳамда чет эл валютасида барча банк хизматлари Сизнинг муваффақиятингиз учун!
«ПАХТА БАНК» – ФАРОВОНЛИГИНГИЗ КАЛИТИДИР
Хизматлар лицензияланган

ЎЗАРО ҲУРМАТ ВА ИШОНЧ РУҲИДА

Ўзбекистон Президентининг Корея Республикасига давлат ташрифи Ўзбекистон — Жанубий Корея муносабатларини янги босқичга олиб чиқди. Икки мамлакат халқлари сингари Сеул шаҳрида Ислом Каримов ва Но Му Хён ўртасида эришилган ўзаро тушуниш ва келишувлардан хурсандман. Икки томонлама юксак руҳдаги муносабатлар ва халқларимиз ўртасидаги мавжуд ўзаро ишонч 15 йиллик тинимсиз ва масъулиятли меҳнат самарасидир, десам хато қилмайман.

Маданият, миллий анъаналар ва турмуш тарзининг муштараклиги Ўзбекистон ва Жанубий Корея халқларини бирлаштириб туради. Президент Ислом Каримов таъкидлаганидек, ўзбекларга корейс халқини ўрганиш учун ҳожат йўқ. Шу боис, Ўзбекистонда кореяликларнинг бизнеси тез суратларда ривожланмоқда. Меҳнат вазирлиги йўналиши билан бизга ишга келаётган ўзбекистонлик фуқаролар ҳам бу ерда ўзларини яхши ҳис этмоқдалар. Таъкидлашни истардим, биз мамлакатингизда истиқомат қилаётган биродарларимиз — этник корейсларга ҳукуматингиз томонидан кўрсатилаётган ғамхўрлик ва эътибордан беҳад миннатдормиз. Ишончим комилки, ташриф доирасида имзоланган маданий алмашув, КВС телерадиокомпанияси ва Ўзбекистон ахборот агентлиги, Кёнгхи университети ва Хоразм Маъмун академияси ўртасидаги ва бошқа битимлар келгусида мамлакатларимиз халқлари, жумладан, Ўзбекистонда яшаётган этник корейс диаспораси билан ўзаро маданий алоқаларнинг янада юксалишига ёрдам беради.

Ўзбекистон Президентининг ташрифи давомида эришилган муваффақиятга бошқа давлат раҳбарларининг эришиши мушкулдир. Жанубий Корея бизнесменларининг Ўзбекистон иқтисодиётига 1,8 миллиард АҚШ долларидан ортиқ сармоя киритиши тўғрисида имзоланган 40 дан зиёд ҳужжат Ўзбекистонга бўлган қизиқишнинг нақадар катта эканлигидан дарак беради. Айтиш жоизки, бу қизиқиш асосида нафақат улкан салоҳиятга эга Ўзбекистоннинг бой табиий захираларини ҳамкорликда ўзлаштириш, балки республика раҳбарияти томонидан олиб борилаётган сиёсий-ижтимоий барқарорлик, миллатлараро тотувлик, иқтисодий тараққиёт, демократия ва бозор ислоҳотлари борасидаги оқилона сиёсат ётади.

Миллий тараққиёт моделининг беш асосий тамойили изчил амалга оширилиши туфайли Ўзбекистонда муваффақиятли иш фаоллиги учун барча шарт-шароитлар яратилган. Айниқса, қулай сармоявий муҳит, хусусан, Ўзбекистон ҳукуматининг хорижлик сармоядорлар учун қўшимча имтиёзлар тўғрисидаги сўнгги қарори менинг раҳбарлигим остидаги «Шиндонг Энерком Инк.» компанияси Сурхондарё вилоятида тўқимачилик ишлаб чиқариш фабрикасини яратиш учун 8 миллион АҚШ доллари миқдорида сармоя киритишга ундади. Бошлаган ишим тўғри эканлигига ишончим комил.

Камина Президент Ислом Каримовнинг «Ўзбек халқи ҳеч қачон ҳеч кимга қарам бўлмайди» китобининг корейс тилида нашр этилиши ва уни Корея олий ўқув юртларидаги талаба ва ўқитувчилар орасида тарқатишда бевосита иштирок этдим. Бугунги кунда ҳам Ўзбекистонда кечаётган эволюция жараёнлари ва ўзгаришлар, ўзбек халқининг иродаси ва орзу-умидлари билан яқиндан танишишни истаган ватандошларимга бу китобни тавсия этаман.

Ким Юн СИК,
«Ўзбекистон — Корея» дўстлик уюшмасининг раиси
(«Жаҳон» АА)

АНДИЖОННИНГ БУГУНГИ ТАРОВАТИ

ЮРТИМИЗГА ЯНА БАҲОР КЕЛДИ. АНДИЖОН ШАҲРИДА ЮЗ БЕРГАН ФОЖИАЛАРДАН СЎНГ ОРАДАН САЛКАМ БИР ЙИЛ ВАҚТ ЎТДИ. ШУ ҚИСҚА ДАВРДА БУ ЮРТДА ҚАНДАЙ ЎЗГАРИШЛАР ЮЗ БЕРДИ, АНДИЖОНЛИКЛАР ҚАНДАЙ ОРЗУ-НИЯТЛАР БИЛАН ЯШАМОҚДА?

— Яхшиям ота-онам, маҳаллам, юртдошларим бор экан. Ёвузлар чангалидан қутқаришди, оилам бағрига қайтдим. У ердаги хор-зорликларни эсласам ҳозир ҳам этим ўюшиб кетади. Юртбошимизнинг бағрикенглиги, оталарча ғамхўрлиги боис адашганлар кечирилди, ўзларини ўнглаб олишлари учун уларга имконият берилди. Кеча ёвузлар чангалидан қутилган кишилар бугун ўз оилалари бағрида эмин-эркин яшашмоқда, тўй қилиш, янги иморат қуриш каби орзулар билан меҳнат қилишмоқда.

Мен юртга меҳр, Ватанга садоқат, бурчга масъулиятни Андижон шаҳри Боғишамол даҳасида яшайдиган Матлубахон Бобожонова тимсолида кўрдим. У тўрт фарзанднинг меҳрибон онаси, қатъиятли хонадон соҳибаси. Қайнонаси, турмуш ўртоғи, қайнағаси ва қайнсинглиси ақидапарастлар таъсирига тушиб, ўзга юртларда дарбадар бўлиб кетишди. Болалар эса Андижонда қолди. У эса ўз фикри билан иш тутди. Матлубахон ўзининг тўрт фарзанди қаторига қайнағаси ва қайнсинглисининг беш фарзандини ҳам олди. Тўққиз болага оналик меҳрини бериб тарбиялаяпти. Уларни оқ ювиб, оқ тараяпти, мактабда ўқитаяпти.

Боғишамол даҳасидаги Аббос Бакиров номли маҳалла фуқаролар йиғини фаоллари фидойи, ватанпарвар аёлнинг ҳолидан ҳамиша хабар олиб турибди.

— Маҳалладошларимга минг раҳмат, — дейди Матлубахон опа. — Улар яхши-ёмон кунларимда мендан ўз ёрдамларини аямяптилар. Маҳалладан фарзандларим учун нафақа пули ажратиб беришди. Кенг феълли, меҳр-мурувватли юртдошларим кам бўлмасин.

— Болалар ёш экан, қийналиб қолмаяпсизми?

— Йўқ. Уларнинг қўлидан иш келиб, дастёр бўлиб қолган. Катта ўғлим Алишер Андижон машинасозлик касб-ҳунар коллежида ўқийди. Мен ўзим дўппи тикаман. Уларнинг таълим-тарбияси билан алоҳида шуғулланаман. Болаларим келажакда мустақил мамлакатимизга муносиб фарзанд бўлиб улғайишларига ишонаман.

— Инсон ҳар қандай шароитда ҳам оқил, тўғри йўлни танлай олишини Матлубахон тақдирида кўрдим, — дейди шу маҳалла фаоли Одил Нурматов. — Матлубахонни қадрлашга, унга кўмаклашишга баҳоли-қудрат ҳаракат қиляпмиз.

Шунингдек, шаҳарнинг «Иттифоқ» маҳалласида истиқомат қилувчи Ибодат ая Исмоилованинг учинчи ўғли — Абдуваҳоб «тадбиркор» ақидапарастларнинг қандолат цехида ишлаб, уларнинг таъсирига тушиб қолганди. 13 май воқеаларида иштирок этиб, ўзга юртлардан паноҳ топган ўғлининг қилмишларидан куйган она шундай дейди:

— Ўғлим бекор юргани йўқ, ишлаяпти, пул топаяпти деб бемалол юраверибман. Уни бирон марта тергамапман. Ғаламислар ўғлимни ҳам ўз таъсирларига оғдириб олган экан, — дейди Ибодат ая Исломова. — Мен уни ҳеч қачон кечирмайман. Қариган чоғимда тириклайин гўрга тиқди. Уйлантиргандим. Келиним февраль ойида фарзандли бўлди. Эртага фарзанди улғайиб отам ким, қани деса нима деб жавоб бераман...

Кеча маҳалламиз раиси Алишержон келди. Анча кўнглимни кўтарди. Маҳалладан кўймасин экан. Иссиқсовуғимиздан хабар олиб туради. Шаҳарда катта ишлар қилиняпти, янги иш ўринлари очиляпти. Талафот кўрган оилаларга ҳар томонлама кўмак берилмоқда.

Андижоннинг қадрдон гўшаларини, кўркам кўчаларини, бозорларини кезганимда жўмард, бир сўзли, фидойи одамлар билан юзлашганда матонатли, метин иродали, ватанпарвар халқимиз борлигидан ғурурланаман. Юртбошимиз айтганларидек Ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайди.

Аҳмадилло СОЛИЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири

Ҳурсандбек АРАББОЕВ олган суратлар

(Давоми. Боши 1-бетда)

ЎзХДП ҳаёти

Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши ҳамда Сирдарё вилоят партия кенгаши томонидан ташкил этилган ушбу давра суҳбатини ўтказиш учун айнан Сирдарё вилояти, унинг чекка Сайхунобод тумани танланиши бежиз эмас. Чунки, вилоятда ва туманда аёллар ҳамда болалар соғлигини муҳофаза қилиш бўйича анчагина ишлар қилинган бўлсада, бу борада ҳали ечимини кутаётган муаммолар ҳам кўп. Тўғри, уларни ўрганиш, ҳал қилиш юзасидан жойларда мутасадди ташкилотлар томонидан амалий ҳаракатлар бўлаётир. Аммо аёлларнинг суд ҳукми билан жиноятчи, деб эълон қилиниши, хотин-қизларнинг ўз жонига қасд қилиши, аёлнинг фоҳиша сифатида рўйхатга олиниши каби аёлларимиз учун бегона, ёт бўлган ҳолатлар учраб турибди. Буларни қандай бартараф этиш мумкин? Аёллар ва болалар соғлигини муҳофаза қилиш муаммоларига чек қўйишнинг имкони борми? Бор бўлса, бу борада асосий юк кимнинг гарданига тушади? Нималар қилишимиз керакки, токи аёлларимиз, фарзандларимиз соғлом, баркамол бўлсин? Шу каби кўпгина саволларга давра суҳбати иштирокчилари имкон қадар жавоб топишга ҳаракат қилдилар.

«АЁЛ СОҒЛИГИ — МИЛЛАТ САЛОМАТЛИГИ»

САЙХУНОБОД ТУМАНИДА ШУ МАВЗУДА ДАВРА СУҲБАТИ ЎТКАЗИЛДИ

Роза БЕГИМҚУЛОВА,
вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси бошлиғининг ўринбосари:

— Ҳар бир она, ҳар қайси аёл фарзандининг соғ-саломат туғилишини, соғлом ўсишини хоҳлайди. Ривожланган давлатларда эркак ҳам, аёл ҳам фарзанд кўриш масаласига жиддий қараб, йиллар давомида тайёргарлик кўришади. Негадир бизда бу нарсага енгил-елпи муносабатда бўлиш ҳолатлари кузатилмоқда. Ҳатто, фақат туғиш чоғидагина шифохонага мурожаат қилаётган аёлларимиз ҳам бор. Бундай ҳолатларда биз — шифокорлар учун бехатар оналик ва болаликни таъминлаш осон кечмайди. Масалан, ўтган йили Оқолтин туманида юрак касаллигига чалинган бир аёл 3 нафар фарзанди бўла туриб, шифокорларнинг тавсияларига қарамасдан, яна фарзанд кўришга қарор қилган. Оқибатда туғиш олдидан аёлнинг қон босими кўтарилиб кетди ва унинг ҳаётини сақлаб қолишнинг иложи бўлмади... Ахир, бир эмас, икки эмас, учта гулдай фарзанди бор эди-ку унинг. Умрини шуларнинг тарбиясига бағишлаб, ўзини, ўз ҳаётини ҳам ўйласа бўлмасмиди? Кошки эди бундай мисоллар вилоятда битта ёки иккита бўлса? Ногирон бола туғаётган, фарзанд кўриш чоғида ўзи ногирон бўлиб қолаётган аёлларимиз-чи? Миллат саломатлигини ўйлаётган, авлодлар бардавомлиги ҳақида фикрлаётган ҳар бир киши шулар тўғрисида бош қотириши, аёл саломатлиги, фарзандлар камоли хусусида жиндек бўлса-да ғамхўрлик қилиши керак.

Ижобатхон ХОДИЁРОВА,
Сайхунобод туман ҳокими ўринбосари, туман хотин-қизлар қўмитаси раиси:

— Туманимизда 64 минг нафардан зиёд аҳоли истиқомат қилади. Шундан 32 минг нафардан кўпроғи хотин-қизлардир. Маълумотларга қараганда 1455 нафар ХДП аъзоларининг атиги 346 нафарини аёллар ташкил этади. Кўриниб турибдики, ХДП аъзолари сафида хотин-қизлар жуда кам. Тўғри, партиянинг туман кенгаши ҳузурида жамоатчилик қабулхонаси ташкил қилинди. Очиғини айтадиган бўлсак, у ҳам номига, хўжакўрсинга фаолият кўрсатаётгандек. Бундан ташқари, туман кенгашига сайланган 30 нафар депутатимизнинг 10 нафаригина хотин-қизлардан иборатлиги ҳам муайян мушкулликларни юзага келтирмоқда. Ўзингиз ўйланг: аёл киши дилидаги дардини кимга айтади, юрагини кимга ёради? Аёл дардини аёл ҳис қилади, аёл ташвишини аёл яхши тушунади. Бу борада ХДП туман кенгаши биз билан яқин ҳамкорликда дадилроқ ҳаракат қилиши, журъатлироқ, ташаббускорроқ бўлиши зарурга ўхшайди.

Хосият ҲАКИМОВА,
«Иттифоқ» маҳалласи диний-маърифий, маънавий-ахлоқий масалалар бўйича маслаҳатчиси:

— Қўйди-чиқди, ажралишлар камаймаяпти. Яқин қариндошлар ўртасидаги никоҳ, майиб-мажруҳ гўдакларнинг дунёга келиши... Бу ҳақда кўп айтилаяпти. Аммо, аёлларимиз, ота-оналар, қизларимиз бундан тўғри хулоса чиқаришмаяпти. Айрим кўпни кўрган қайнота-қайноналаримиз эса ўз фарзандларининг жуфти ҳалоли — келинларига худди бир хизматкордай муомалада бўлишаётир. Оқибатда ёш келин янги оилада ўз ўрнини тополмаяпти. Ахир, бир туп гул бир жойдан бошқа жойга кўчирилса, унга қанчалар меҳр кўрсатиб, парвариш қилиш керак. Шу оддий ҳақиқатни унутмаганимиз маъқул. Яна бир нарсадан ташвишланаяпман. Йигит ва қиз никоҳдан олдин тиббий кўрикдан ўтаяпти. Бу — яхши. Лекин тўйдан кейин 2-3 ой ўтгач, тиббий кўрикда соғлом, деб топилган ёш келин-куёвда айрим касалликлар аниқланаётганини қандай тушуниш мумкин? Буни энди шифокорнинг хатоси деб аташ керакми ёки бошқачароқ таъриф берсак, тўғри бўладими?

Ҳамида МУСАЕВА,
«Бирлашган» қишлоқ врачлик пункти шифокори:

— 3013 нафар аҳолига хизмат кўрсатаяпмиз. Шулардан 800 нафари туғиш ёшидаги аёллардир. Ўтган йили ҳудудимизда оналар ва болалар ўлими қайд этилмади. Мутахассисларимиз оилаларга бориб, аёлларга, айниқса ёш келин-куёвларга фарзандли бўлиш, бола парвариши, тозалик, шахсий гигиена масалалари бўйича тушунтириш ишлари олиб боришаяпти. Биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш учун дори-дармонлар, зарур жиҳозлар етарли. Оналар ва болалар касалликлари камаяётган бўлса-да, бу йўналишдаги ишларимизда ҳали камчиликлар бор. Тан олишимиз керак, аёлларимизда тиббий билим, ҳуқуқий тушунча етарли эмас. Бу масалаларда бизга қишлоқ ва маҳалла фуқаролар йиғинлари, фаол аёллар, диний-маърифий, маънавий-ахлоқий масалалар бўйича маслаҳатчилар яқиндан кўмак берсалар, яхши бўларди.

Покиза АҲМАДЖОНОВА,
вилоят ҳокимлиги оналик ва болалик масалалари гуруҳи раҳбари:

— «Бехатар оналик» дастури бўйича вилоятимиздаги 330 минг нафардан ортиқ аёлнинг 90 фоиздан кўпроғи тиббий кўрикдан ўтказилди. Аниқланган касалликлар бўйича даволаш-профилактик тадбирлар амалга оширилмоқда. Бироқ, фақат хотин-қизлар қўмиталари, фаоллар, шифокорлар кучи билангина бу борадаги муаммоларни бартараф этиш мушкул. Бунинг учун аввало ҳар қайси аёл, ҳар бир ота-она, ҳар биримиз ўз оиламизда муайян тиббий кўникмалар ҳосил қилишимиз, ўзимиз, оила аъзоларимиз, фарзандларимиз, яқинларимизнинг саломатлиги учун қайғуришимиз керак бўлади.

Рашида ТОЖИБОЕВА,
Турсунмат Ғуломов номли қишлоқ врачлик пункти шифокори:

— Аёл фарзандни дунёга келтиради, авлодни тарбиялайди, аёллари соғлом юртнинг келажаги порлоқ бўлади, деймиз. Ҳаммаси тўғри. Лекин шу айтилган нарсаларга ўзимиз амал қилаяпмизми? Ўзидан ҳам оғир қопқанорлару, сумкалар кўтариб, бозорма бозор чопаётган аёлимизга нега ачинмаймиз? Нима учун камқонлик дардига мубтало бўлган сингглимизни, опамизни кўриб, кўрмасликка оламиз? Опасингилларимиз, қизларимизнинг ишсиз юришига қачонгача бефарқ қараймиз? Қишлоқ қизларининг спорт билан шуғулланишлари учун шароит, имконият яратиб берсак бўлмайдими? Бўлажак оналарнинг соғлом бўлиши, улардан соғлом фарзандлар дунёга келиши, шу тариқа миллат саломатлигига қўйилажак пойдевор аслида шулардан бошланмайдими?

Гулрух АЪЗАМОВА,
ЎзХДП Марказий Кенгаши раиси ўринбосари:

— Партиямиз меҳнатга қобилиятли аҳолининг тўлиқ бандлигини таъминлаш тарафдоридир. Шу жиҳатдан олиб қараганда, қишлоқда аёлларга янги иш ўринлари яратиш, халқ ҳунармандчилиги, касаначиликни кенг рағбатлантириш, хотин-қизларни касбга йўналтириш ва қайта ўқитиш учун шарт-шароитлар яратиш, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш корхоналарини ташкил этиш, умумий овқатланиш ва чакана савдо тармоқларини ривожлантириш, аҳолининг маданий ҳордиқ чиқариши учун керакли шарт-шароитларни яратиш, табиий газ, тоза ичимлик суви, бошқа коммунал хизматлар, шунингдек, халқ таълими, тиббий хизматни шаҳар даражасига кўтариш бугунги кунда муҳим вазифалардан ҳисобланади. Бунинг учун партиянинг депутатлик тузилмалари, бошланғич ташкилотлари кўпроқ ташаббус кўрсатишлари ва фаол ишлашлари талаб қилинади. Табиийки, бу ишларда биз фақатгина маҳаллий ҳокимият ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларидаги вакилларимизга эмас, балки ижтимоий шерикларимиз — касаба уюшмалари, истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари, ногиронлар, пенсионерлар ва шубҳасиз, хотин-қизлар ташкилотларига таянишимиз зарур бўлади. Ёш оилалар ўртасида ажралишлар нега кўп? Сигарет чекишдан, спиртли ичимлик истеъмол қилишдан ҳазар қилмайдиган хотин-қизларимиз қаердан пайдо бўлаяпти? Сизу бизнинг лоқайдлигимиз, бефарқлигимиз туфайли эмасмикан? Аслида аёл соғлиги, миллат саломатлигига дахлдор бундай иллатларга, муаммоларга нисбатан муросасиз бўлсак, уларга қарши биргаликда курашсак, ечимини топишга ҳаракат қилсак, тўғри бўлмайдими?

✧✧✧

Вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси масъул ходимлари, шифокорлар, маҳалла ҳамда қишлоқ фуқаролар йиғинларининг диний-маърифий, маънавий-ахлоқий масалалар бўйича маслаҳатчилари, жамоатчилик вакиллари, хотин-қизлар кенгашлари раислари иштирокидаги мазкур давра суҳбати жонли, қизиқарли савол-жавобларга бой ва муҳими, фойдали бўлди.

✧✧✧

Шундай давра суҳбати Жиззах вилоятининг Зомин туманида ҳам бўлиб ўтди.

Иброҳим ЖОНУЗОҚОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири

ЭКОМАРАФОН

«Ёшлик» талабалар шаҳарчасида «Экосан» халқаро ташкилоти, Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Тошкент шаҳар ҳокимлиги, Ўзбекистон Миллий университети ҳамда «Ёшлик» талабалар шаҳарчаси ҳокимлиги ҳамкорлигида Бутунжаҳон Саломатлик кунига бағишланган **«Спорт, экология ва саломатлик»** шиори остида анъанавий талабалар марафони ўтказилди.

Унда пойтахтнинг барча олий ўқув юртлари талабалари, спорт фахрийлари, Олий Мажлис Сенати аъзолари ва Қонунчилик палатаси депутатлари, юртимизда фаолият юритаётган дипломатик корпус ҳамда халқаро ташкилотлар вакиллари, фан ва маданият арбоблари иштирок этди.

Уч минг киши иштирокида ўтган экомарафон Ўзбекистон Миллий университетининг Маданият саройи майдонидан старт олди. Дастлаб 2000 метр масофага югуриш бўйича қизлар, сўнг ўғил болалар беллашдилар. Шундан сўнг эса 500 метр масофага фахрий спортчилар ва марафоннинг бошқа иштирокчиларига старт берилди.

Қизлар ўртасида ўтказилган мусобақада 1- ва 2-ўринлар Тошкент физкультура институти талабалари Мария Мехеда ҳамда Екатерина Якимовскаяларга насиб этган бўлса, 3-ўринни Тошкент иқтисодиёт университети талабаси Лидия Шохворостова эгаллади.

Бардамбек САЪДУЛЛАЕВ

ТОЗА ИЧИМЛИК СУВИ

Элимизда Наврўз нафаси кезиб юрган айни кунларда Хоразм вилоятида яна бир қувончли воқеа содир бўлди.

Воҳанинг Гурлан ва Шовот туманлари ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси Амударё туманининг ўнлаб олис қишлоқлари Туямўйин-Урганч магистрал сув тизимидаги марказлаштирилган сув тармоғига уланди. Эндиликда мазкур ҳудудда истиқомат қилувчи яна икки юз мингга яқин қишлоқ аҳолиси тоза ичимлик сувидан бахраманд бўлади. Гурлан туманида янги иш бошлаган ичимлик сувини тозалаш ва тақсимлаш иншооти аҳоли учун ана шундай қулайликлар яратди. Ушбу иншоотнинг қуввати кунига 30 минг куб метр тоза сувни истеъмолчиларга етказиб бериш имконига эга.

Мазкур янги иншоотни барпо этиш учун қарийб 760 миллион сўмдан зиёдроқ маблағ сарфланди. Унинг ўзига хослиги шундаки, ичимлик сув махсус идишларда тозаланиб, хлорланганидан кейин юқорида айтилган ҳар битта туман сув таъминоти тармоғига алоҳида насослар ёрдамида етказилиб берилади. Бундан ташқари жорий йилнинг охирига қадар Гурлан — Қўшкўпир тармоғи қурилиши ҳам ниҳоясига етказилса, аҳолиси зич жойлашган мазкур туманнинг энг чекка қишлоқлари аҳолиси ҳам тоза ичимлик суви билан таъминланади.

Шавкат ХУДОЙБЕРГАНОВ,
«Туркистон-пресс»

ЎзХДП: ВОҚЕАЛАР, ХАБАРЛАР, ЯНГИЛИКЛАР

Ўзбекистон ХДП Чироқчи туман кенгашида фаоллар йиғилиши бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Президенти И.Каримовнинг Республика Вазирлар Маҳкамасининг шу йил 10 февралдаги йиғилиши ва Олий Мажлис Сенатининг бешинчи ялпи мажлисидаги маърузалари ҳамда Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши IV пленуми қарорларидан келиб чиқадиган вазифалар муҳокама қилинди. Йиғилишда аҳолининг кам таъминланган қатламларини ижтимоий ҳимоялаш, партиямизнинг бу соҳадаги дастурий устуворликлари ва амалий ишлари масалаларига урғу берилди. Шунингдек, анжуманда Ўзбекистон ХДП аъзоларини қайта рўйхатдан ўтказишнинг бориши, унда йўл қўйилаётган айрим камчилик ва нуқсонларни бартараф этиш чоралари хусусида фикр алмашилди.

✧✧✧

ЎзХДП Қарши туман кенгаши ташаббуси билан туман халқ таълими бўлимида ўтказилган учрашувда туман партия кенгаши раиси З.Азизова мамлакатдаги сиёсий кучларнинг сўл қаноти — Ўзбекистон ХДПнинг мафкураси ва дастурий устуворликлари хусусида сўзлаб берди.

Ўзбекистон ХДП МК матбуот хизмати

Куни кеча Ўзбекистон Халқ демократик партияси Қорақалпоғистон республика кенгаши «Истиқбол» ёшлар қанотининг туман ва шаҳар бўлимлари раислари ва фаоллари иштирокида илмий-амалий семинар ўтказилди. Уни Ўзбекистон ХДП Қорақалпоғистон республика кенгаши раиси Атаулла Асанов кириш сўзи билан очди.

Семинарда «Истиқбол» ёшлар қаноти туман ва шаҳарлар, чекка қишлоқлардаги ёшларнинг фуқаролик фаоллигини ошириш, ёшларга тегишли муаммолар мониторингини амалга ошириш, уларнинг натижалари бўйича амалий ишларга урғу бериш, ёшлар муаммолари ечимига оид муқобил лойиҳа ва дастурлар ишлаб чиқиш масалаларига алоҳида-алоҳида тўхталиб ўтилди. Партия ёшлар қаноти ишини стратегик жиҳатдан режалаштириш бўйича фикр алмашилди.

Анжуманда Ўзбекистон ХДП «Истиқбол» ёшлар қаноти раиси Сухроб Исмоилов ва Қорақалпоғистон республика бўлими раиси Мурат Қудайбергеновлар сўзга чиқиб, шу куннинг долзарб вазифаларига тўхталдилар.

Рейимбой ЕШИМБЕТОВ

Ифтихор

ХАЛҚИМИЗ ОРЗУ ҚИЛГАН КУНЛАР

Шундай улуғ шоир ва ёзувчилар борки, улар қар қандай шароитда ҳам халқ манфаати, жамият тараққиёти, юрт ободлигини кўзлаб жиддий ижтимоий мавзуларга қўл урадилар. Бу жиҳатдан жуда юқори савиядаги сўз устоди Ойбекнинг ибрати беқиёсдир.

Ёдимда, 1964 йилнинг сўлим баҳори эди. Уйғониш, янгиланиш фасли. Газетамиз бош муҳаррири Мақсуд Қориев раҳбарлигида кўкламга бағишланган махсус сон кенг қамровли, қизиқарли бўлиши учун ходимлар ўртасида ижодий мусобақа уюштирилди.

Буюк Ойбекнинг хонадонига ийманибгина маслаҳатга бордим. Меҳр ёғдуси, самимий ҳурмат билан кутиб олган устоз мени стол ёнига ўтқазиб, «Келинг, нима хизмат?» дегандек кўзимга тикилдилар. Мен мақсадимни айтдим. Мезбон кўзлари чарақлаб, лаблари қимирлаб, қийинчилик билан «бўпти» дедилар. Сўнг бош ва кўрсаткич бармоқларини кериб, гапиролмай тутилиб, рафиқалари Зарифахон опага «Тушунтиринг» дегандек маъноли боқдилар. Зукко ва зийрак опа, дарҳол ҳажми қанча бўлишини сўраяптилар, деб менга қарадилар.

— Ҳажми йўқ, домлага, — дедим...

— Куни кеча киндик қонлари тўкилган Эски шаҳардаги Говкуш, Дегрез маҳаллаларини айланиб, асрлардан буён ари инидек бир-бирига ёпишган, лойдан ясалган ўйларни кўздан кечириб, фақирона бир аҳволда уйга қайтиб, ҳамшаҳарларига мурожаатнома ёзаётган эдилар. Уч кундан кейин сим қоқиб кўринг, тайёр бўлиб қолар...

Юртимиз раҳбари Ислом Каримов ташаббуси, фидойилиги билан Наврўз тикланган, умумхалқ байрами даражасига кўтарилган бу айёмни мамлакатимиз аҳли кенг нишонлаётган шу кунларда тобора гўзаллашиб, Шарқнинг ҳақиқий гавҳарига айланиб бораётган Тошкент кўчаларини яёв кезиб, улкан бунёдкорлик ишларини кўриб, ватанпарвар аллома Ойбекнинг ўша пайтда газетамизда эълон қилинган «Шаҳримиз обод бўлсин!» деган чақириғи ёдимга тушди.

Устоднинг нафаси уфуриб турган, эсдалик учун авайлаб сақлаб қўйган қўлёзмани олиб, Ойбекнинг куйиниб, надомат билан айтган сўзларини, илтижоларини, оқилона даъватларини қайта ўқиб чиқдим.

«Авжи баҳор фасли. Дарахтлар нафис гул либосларини кийган, йилнинг энг гўзал фасли. Ўриклар, айниқса, шафтолилар баҳорнинг энг кўркам чиройидир. Халқимиз шундай илк баҳор фаслини, бинафша фаслини, дарахтларни ясатган гул фаслини севади. Шунинг учун ҳам шу кунларда ёшу қари — барчанинг қўлида хушбўй атиргулларнинг навдалари, дарахтларнинг ниҳол кўчатлари, барчанинг кўнглида ҳавас, завқ, гўзаллик ҳислари. Ҳовлиларга, кўчалар ва хиёбонларга чинорлар, олмалар, гилослар, олчалар, гулларни, табиатнинг хилма-хил зийнатларини, нозу неъматларини халқ муҳаббат билан экяпти.

...Бизнинг халқимиз, тарихдан маълумки, ерни севади, зовурлар, каналларни қазиб, чўлларда чаман боғлар яратиш, обод қилиш йўлларини яхши билади. Боғу бўстонларнинг, гулу хиёбонларнинг завқига яхши тушунади».

Адиб асар давомида «халқимизнинг бутун истеъдоди, таланти равнақ топиши»ни орзу қилади, «халқнинг қўлларидаги кишанлар узилиб, боғлар ва гулзорлар, қадлари юксак мактаблар, шифохоналар, театрлар, уй-жойлар яратилиши»ни орзу қилади.

«Илгариги Тошкентни яхши биламан, — деб ёзади Ойбек, *— кўзимни юмиб ўйлаб қарасам, кўз ўнгимда у бир он гавдаланади, қинғир-қийшиқ тор кўчалар... синчлар орасига қалашган гувалалар, пахса деворлар, бўғот томлар... Кўчаларнинг тиззага чиққан лойида қишда чориқ сургаб, ёзда биқбиқ тупроғида яланг оёқ кўп, жуда кўп юрганман. Энг обод, тош терилган Хадра, Шайхонтоҳур, Ўрда, бу кўчаларнинг торлигидан трамвай кўча деворига тегадигандай юрарди, одамлар трамвай билан тўқнашганда пойдеворда деворга суяниб, трамвайга йўл берардилар...»*

Шу зайлда, адиб кейинги вақтда қурилган иморатлар ҳақида фикр билдираркан, миллий меъморчилигимиз асосида барпо этилган обидаларни соғинади. У таъкидлайди: *«Завқи нозик, фикри гўзал бинокорларимиз бор, аммо баъзан бир бино олдида туриб, «аттанг», деймиз. Чиройли кўчада кўпол бир бино. Сифати ҳам, кўринуши ҳам ярамайди. Бундай хатоларга йўл қўймаслик керак. Янги кўчалар, янги иморатлар қуришда бинокорларимиз кўчаларнинг кенг, биноларнинг пишиқ ва кўркам бўлишига кўпроқ аҳамият берсинлар.»*

Ойбек домла пойтахтимизнинг гўзал, ажойиб шаҳар бўлиш билан бирга озода, экологик тоза туришини ҳам жудажуда хоҳлаган. *«Лекин азиз дўстларим, баъзан у кўча, бу кўчага, бир майдон ёки шаҳарнинг бир бурчагига қараб хафақон ҳам бўламиз. Шаҳар, район ижроия комитетларидан (ҳозирги шаҳар, туман ҳокимлари) ранжиймиз, танқид қиламиз. Нега улар қарамайди, мана бу ер ифлос-ку, деймиз. Ана шунда, ўртоқлар, биз қаттиқ адашамиз, хато қиламиз. Шаҳарнинг тозалиги — фақат уларнинггина эмас, балки бутун шаҳар аҳолисининг иши. Аммо бепарво одамлар бор. Ўзи туғилиб ўсган, ўзи яшаётган шаҳарнинг кўчалари тозалигига бунчалик бепарволик ярамайди, ахир. Шаҳримизнинг озодалиги, кўрки учун жавобгарлик, масъулият ёлғиз ижроия комитетларда эмас, улар билан биргa ҳаммамизнинг устимизда, ҳаммамизнинг бурчимиз — бу!»*

Кейинги йилларда қиёфаси таниб бўлмас даражада ўзгарган, Шарқнинг кўркига айланган Тошкентнинг ободончилик суръатига тан берган ҳолда, озгина вақтда қад кўтарган гўзал-кўркам, ёруғ, мафтункор, замонавий қулай уй-жой, маъмурий шарқона усулли, маҳобатли биноларни кўриб, Эски шаҳарнинг кўзни қамаштирувчи янги жамолидан фахрланиб, кенг, равон кўчалардан юриб, кўприклардан ўтиб, ўзимни завқ, севинч дунёсида кўриб, беихтиёр армон билан ўйлайман: «Эҳ, қани энди имкон бўлса-ю, Ойбек домла ҳаётга қайтиб, Истиқлолдан сўнг яшнаган пойтахтимизни яна бир бор кўрса...»

Афсуски, ана шундай катта, улуғ, тарихий янгиланишларни кўзи «кўрмаётган», Ойбек домла айтганларидек ўз шаҳрига лоқайд қарайдиганлар борлиги кишини изтиробга солади. Кўчалар бурчагида ахлат уюмлар, асфальт устига мағзава тўкишлар, трамвай ва автобусларда, хиёбонларда писта чақишлар, сигарет қолдиқларини ташлашлар озодалигимиз, маданиятимизга доғ бўлиб тушмоқда.

Буюк адибимизнинг *«Ҳар ким ўз ҳовлисини тоза тутиши, уйларининг озодалиги жуда яхши одат, аммо кўчаларни ҳам шундай тоза тутиш фарз. Кўчаларни ҳам гуллар, дарахтлар билан безатиш ва озода тутиш биринчи галдаги вазифамиз. Кўчаларнинг ҳусни бизнинг ҳуснимиздир»*, деган гаплари, ҳозир ҳам долзарблигича имон келтирамиз.

Буюк аллома мурожаатнома давомида ахлоқ-одоб, маънавият ва маърифатга оид пурҳикмат фикрларни айтаркан, одамларга ўз даъватини шундай мухтасар этади:

«Шундай дўстларим, бизнинг Тошкент бутун Шарқда буюк бир илм-фан ўчоғи бўлди. Барчамиз бирга, ялписига шаҳримизнинг бутун кўчаларини, боғларини озода тутиш учун жон куйдирсак, шаҳримизда дарахтлар ва гулларни парвариш қилсак, Тошкент яхлит бир гулистонга, гўзал туташ хиёбонларга айланади.

Шунга чақираман барчангизни, азиз ҳамшаҳарларим!»

Қаранг, 40 йил муқаддам анча хасталаниб қолганига қарамай Ойбек домла пойтахтимиз чиройи, тақдирини ўйлаб, куйиниб, ўз орзу-ниятларини билдирганди. Бу нафақат унинг, балки бутун халқимизнинг армони эди. Аммо, шўро замонида бир эски иморатни бузиш учун ҳам, янгисини қуриш учун ҳам собиқ марказдан аввало рухсат, кейин маблағ сўрашга маҳкум эдик. Рухсат ҳам, маблағ ҳам олиш қийин эди. Шу сабаб, йиллар давомида орзуларимиз амалга ошмай келди.

Фақат мустақиллик шарофати, Юртбошимизнинг ўткир нигоҳи, фикри, журъати билан Тошкент қайта тикланди, чирой очди, дунёдаги энг гўзал шаҳарлардан бирига айланди. Ҳар биримиз бу кунларга шукрона айтиб, унинг қадрига етишимиз, унга муносиб бўлишимиз лозим деб ўйлайман.

Расул РАҲМОНОВ,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими

ИТАЛИЯ

Бош вазир Сильвио Берлускони бошчилигидаги ўнг марказчиларнинг беш йиллик ҳукмронлиги ниҳоясига етганга ўхшайди. Парламентнинг икки палатасига ўтказилган сайловда уларнинг доимий сиёсий рақиблари ўнг марказчилар ғалаба қозонишди.

Маълумотларга кўра, Европа Комиссиясининг собиқ раҳбари Романо Проди бошчилигидаги «Иттифоқ» блоки 54 фоизгача овоз олган. Сильвио Берлускони бошчилигидаги «Озодлик уйи» коалицияси эса 49 фоиз овозни қўлга киритди.

Кузатувчилар сайловчилар Продини юксак ҳурмат қилишларидан эмас, балки мамлакатнинг энг бой бизнесмени Сильвио Берлускони бажармаган ваъдалари билан жонга текканлиги учунгина сайлашганини билдиришган.

Проди биринчи навбатда Ироқдан Италия қўшинларини олиб чиқишни, давлат ғазнасини тўлдириш, солиқларни пасайтириш, АҚШ томонга эгилган сиёсатни ўнглаш ва Европа Иттифоқи билан «ярашиш»га ваъда берди.

ХОРИЖДА

ИСРОИЛ

Исроил Вазирлар Маҳкамаси Ариэль Шарон соғлиги ёмонлашгани туфайли вазифасини бажара олмаслигини маълум қилди. Вазирлар Маҳкамаси аъзолари шундай қарорни расмийлаштириш учун овоз беришди.

Овоз бериш Шарон юрак ҳуружи туфайли комага тушганидан уч ой ўтгач ўтказилди.

Ўша пайтдан бери Исроил бош вазири вазифасини Эҳуд Ольмерт бажариб келаётганди. У шунингдек, Шарон томонидан асос солинган «Кадима» партияси етакчиси ҳам ҳисобланади.

Шу йилнинг март ойи охирида ўтказилган сайловда «Кадима» марказчилар партияси ғалаба қозонганди. Ольмерт эса айни пайтда коалиция ҳукумати таркибини шакллантириш билан банд.

Шарон бош вазир сифатида беш йил давомида фаолият кўрсатди.

ЭРОН

Эрон президенти Маҳмуд Аҳмадинажот Теҳрон уранни бойитишни бошлаб, ядро клубига аъзо мамлакатлардан бирига айланганини маълум қилди.

— Мен Эрон ядро технологияларга эга бўлган мамлакатга айланганини расман эълон қиламан, — деди президент мамлакат телевидениесида қилган чиқишида.

АҚШ ва Европа Иттифоқи Эрон атом технологияларини ядро қуроллари ишлаб чиқариш учун ишлатишидан чўчимоқда. Икки ҳафта олдин БМТнинг Хавфсизлик Кенгаши Теҳронни уранни бойитиш режаларидан воз кечиб, 30 кун ичида Атом энергетикаси бўйича халқаро агентлик (МАГАТЭ) билан ҳамкорлик қилишга чақирувчи резолюцияни қабул қилганди.

Бироқ Эрон ҳукумати уларнинг ядро дастури фақатгина тинчлик мақсадларида амалга оширилишини билдирди.

— Биз халқаро меъёрлар доирасида саноат ҳажмига етмагунимизча бойитишни давом эттирамиз, — деди президент. У Ғарб мамлакатлари Эроннинг тинч атом технологияларига эга бўлиш ҳуқуқини ҳурмат қилишлари кераклигини ҳам таъкидлади.

Маҳмуд Аҳмадинажотнинг телевидение орқали қилган чиқишидан кейин АҚШ президенти маъмурияти Эрон «нотўғри йўлдан кетган», дея фикр билдирди.

Оқ уйнинг расмий вакили Шон Маккормак расмий Вашингтон Эрон бўйича ҳаракатлар режаси борасида БМТнинг Хавфсизлик Кенгаши аъзолари ва Германия билан келишиб олишини айтди. Россия Думаси Халқаро кўмитаси раҳбари Константин Косачев эса Эроннинг бу қадами БМТнинг Хавфсизлик Кенгаши талабларига бўйсунмасликнинг намойиши эканлиги ва бу оғир оқибатларга олиб келиши мумкинлигини таъкидлади.

Иқтисодиёт ва ислоҳот

ДУНЁ БИЛАН БОҒЛАНАСИЗМИ, МАРҲАМАТ!

«ЎЗБЕКТЕЛЕКОМ» АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИНИНГ «БУХОРОТЕЛЕКОМ» ФИЛИАЛИДА АМАЛГА ОШИРИЛАЁТГАН ТАДБИРЛАР ХУСУСИДА

Кейинги йилларда ахборот ва коммуникация технологиялари, телекоммуникация соҳаларида ҳам катта ютуқлар қўлга киритилди. Қисқа вақт ичида мамлакатимизнинг исталган нуқтасида тезкор ва ишончли телефон алоқасини таъминлайдиган кўп тармоқли коммуникация алоқа тизими ташкил этилди. Бугунги кунда республика шаҳарларини рақамли телекоммуникация тармоқлари билан қамраб олиш даражаси 86 фоизга етгани ҳам шундан далолат беради. «Ўзбектелеком» акциядорлик компанияси тизимида, хусусан, унинг «Бухоротелеком» филиалида қилинаётган ишлар бунга ёрқин мисол.

Дарвоқе, қадим Бухорода телефон алоқаси ўтган асрнинг йигирманчи йилларида бошланган бўлса-да, аслида у мустақиллик йиллари жадал ривожланиш йўлига кирди.

Филиал жамоаси вилоят аҳолисига ва мулкчилик шаклидан қатъи назар барча хўжалик субъектларига телекоммуникация хизмати кўрсатади. Вилоятнинг ҳар бир шаҳар ва туманида тармоқ боғланмалари ҳамда бўлинмалари ишлаб турибди. Унинг асосий хизмат турлари — маҳаллий ва халқаро телефон алоқаси, телеграф ва симли радиоэшиттиришдан иборат. Эндиликда уяли телефон алоқаси, интернет хизмати кўрсатувчи мавжуд компания ва фирмалар билан ҳам яқин ҳамкорлик ўрнатилган.

Айниқса, 2005 йил филиал жамоси учун ривожланиш ва тараққиёт йилига айланди: аҳолига 6,3 миллиард сўмлик телекоммуникация хизматлари кўрсатилди. Даромадлар режаси 108,7 фоиз бажарилиб, ўтган йилга нисбатан 119,1 фоиз ўсишга эришилди. Истеъмолчиларга 3,660 млрд. сўмлик телекоммуникация хизматлари кўрсатилди. Режа — 408,4 фоизга уддаланди.

Ёки ўтган йили бу ерда 23,25 млн. марта шаҳарлараро ва халқаро сўзлашувлар амалга оширилди, абонентларга 16,98 минг дона телеграмма жўнатилди. Узатилган халқаро телеграммалар сони 3,77 мингтага етди. Битта асосий телефон аппаратига тўғри келадиган даромадлар миқдорининг ўзи филиал бўйича 60521 сўмни ташкил этиб режа — 106,9 фоиз адо этилди. Аҳолидаги асосий телефон аппаратларидан олинган даромадлар миқдори эса 39626 сўмни ташкил этди. Бу кўрсаткич ҳам аввалги йилга нисбатан 108,7 фоизга ўсди.

Бугунги кунда вилоятдаги мавжуд телефон станцияларининг монтаж сиғимларидан фойдаланиш коэффициенти шаҳар телефон тармоғида 81,8%ни, қишлоқ телефон тармоғи бўйича 76,3%ни ташкил этмоқда. Қишлоқ телефон тармоқларидаги 126 телефон станциясидан (умумий сиғими 34948 бўлган) 119 та (сиғими 34198) ёки монтаж қилинган станцияларнинг 94,4 фоизи РАА (рақамни автоматик аниқлаш) ускунаси билан таъминланди.

Қишлоқ телефон станцияларида ўрнатилган РАА қурилмалари ёрдамида 311,9 млн. сўм даромад олингани ҳам диққатга сазовор. Ёки мавжуд 229 та маҳаллий таксофонлардан қилинган 17,8 млн. сўмлик фойда билан шаҳарлараро таксофонларнинг 100 тасидан олинган 49,4 млн. сўмлик фойда ҳам ўтган йилга нисбатан 105 фоиз ўсганини кўриш мумкин.

Ғиждувон ва Бухоро тумани телекоммуникация боғламаларининг шаҳар телефон тармоғида жами 22(9+13) магистрал кабеллари капитал таъмирланиб, вилоят бўйича мавжуд 291 та магистрал кабелларнинг ҳаммаси тўла ҳаво босими остида ишлаш режимига ўтказилди.

Бугунги кунда рақамли АТСларнинг қўшимча хизмат турларидан 29610 та абонент фойдаланмоқда. Бу рақамли АТСларнинг фойдаланган сиғимининг 35,2 фоизини ташкил этади.

2005 йил давомида вилоят телекоммуникация тармоғини кенгайтириш, замонавий технологиялар билан қайта қуриш бўйича бажарилган ишлар ҳажмини филиал жамоаси изланишлари самараси дейиш жоиздир. Жумладан, «JBIC» банки(Япония)нинг имтиёзли кредити ҳисобидан амалга оширилаётган лойиҳа асосида вилоятнинг қишлоқ жойларида умумий сиғими 9000 рақамга тенг бўлган 16 та рақамли телефон станцияси ва 110 км. узунликдаги станцияларни бири-бири билан боғловчи оптик толали кабель линиялари аҳолига кўрсатилаётган алоқа хизмати турларининг янги босқичидир.

— Филиалимизда жамоа келишуви бўйича қабул қилинган барча бандлар ва мажбуриятлар тўлиқ бажарилди, — дейди директор Шарифжон Худойбердиев. — Эндиликда жамоа шартномаси ходимлар билан иш берувчиларнинг меҳнат, ижтимоий-иқтисодий ва касбга доир муносабатларини нафақат тартибга солувчи, балки уларнинг барқарорлигини таъминловчи муҳим ички меъёрий ҳужжат эканлиги чуқур ҳис этилмоқда. Бошқача айтганда, шартномалар йилдан-йилга ҳам мазмунан, ҳам шаклан такомиллашмоқда. Уларга мувофиқ олинган мажбуриятлар таҳлилларига кўра, филиал бўйича ҳар бир ходимга тўғри келган ўртача йиллик иш ҳақи 87,5 минг сўмни ташкил этди. Бу — республика миқёсида белгиланган энг кам иш ҳақининг 11,2 баробарига тенг.

Эришилган ва эришилаётган кўрсаткичлар салмоғи ишчи-хизматчилар манфаатдорлиги ўсишига ижобий туртки бермоқда. Масалан, ходимлар ойлик маошларига қўшимча (шартнома шартларга кўра) 27,4 минг сўм ҳақ олишди.

Филиал йил давомида иш ҳақларини ўз вақтида тўлаш устидан доимий мониторинг олиб борилди.

Олот, Пешку туманлари телекоммуникация боғламаларининг бинолари, Ғиждувонда тармоқ боғламалари таъмирланди, кабель-шахта хоналари қайта ташкил этилди. Қоракўл телекоммуникация боғламаси Бухоро ширкат хўжалигида 400 та сиғимга эга АТСК 100/2000 русумли АТСни ишга туширди. Бундай бунёдкорлик ишлари Жондор, Вобкент туманларининг қатор хўжаликларида ҳам муваффақиятли амалга оширилди.

Яна бир гап: телекоммуникация иншоотларининг бут сақланиши бўйича қилинган ишлар ҳам талайгина. Чунончи, кабелларни ўғирлаб кетиш ҳолларига барҳам бериш мақсадида эҳтиёт чоралари кўрилди. Қимматбаҳо материаллар ва станция жиҳозлари талонторож қилинишининг олдини олиш йўлида АТСларда сигнализация тармоқлари ўрнатилди. Қисқаси, кейинги йилларда «Ўзбектелеком» акциядорлик компанияси тизимида филиал нуфузи анча ошди.

Шоҳайдар МИРҲАБИБОВ,
Мирбахтиёр МИРФАЙЗИЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбирлари t

Жиноятга жазо муқаррар

ФИРИБГАРЛАР

ФОШ ҚИЛИНДИ

Фирибгарлик деганда биз алдаш ва ишончни суиистеъмол қилиш йўли билан ўзганинг мулки ёки мулкий ҳуқуқини қўлга киритишни тушунамиз. Жабрланувчини чалғитиш учун фирибгар ҳар қандай фактни бузиб кўрсатади ёки ҳақиқатни яшириб ёхуд билатуриб ёлғон маълумотларни хабар қилади. Уларнинг алдаш шакллари турли-туман. Масалан, қалбаки бланкалар, ишончнома, мухр, гувоҳнома кабилардан фойдаланиб ўз мақсадларини амалга оширишади. Фирибгарликнинг ўғирлик, босқинчилик ва талончилик шаклларидан фарқи шундаки, фирибгарликда жабрланувчининг ўзи мулкини айбдорга ишониб ёки алданиб, ихтиёрий равишда бериб юборади.

Персида Степаненко 2005 йил 7 июнь куни Манғит шаҳри Ломоносов кўчаси 40-уйда яшовчи Зулхумор Сапарбаеваникига боради. Унга «божхонада ушланиб қолдик, шунинг учун менга 500 минг сўм пул керак бўлиб турибди, эвазига гаровга тилла тақинчоқларимни қолдираман», дейди. Кейин бир дона сариқ металдан ясалган трос, уч дона узук ва бир жуфт сариқ рангли қизил қошли сирғани беради. Эвазига Зулхумордан 250 минг сўм пул олади. «Бир соатдан сўнг юкларимни олиб, пулингизни ёнига бир дона музлатгич қўшиб, олиб келиб бераман», деб жўнаб кетган Персидани Зулхумор кейин кўрмади.

Касби-кори фирибгарлик бўлган Персида 28 декабрь куни энди Бибижон Матмуратованинг уйига бориб, «божхонадан юк олиб ўтмоқчи эдим, ушланиб қолдим, шунга 400 минг сўм пул бериб туришингизни илтимос қиламан, юкларимни олсам пулингиз ёнига бир телевизор қўшиб олиб келиб бераман, пулингизни эвазига гаровга тилла тақинчоқларни қолдираман», дейди. Унга бир дона қизил қошли, бир жуфт оқ қошли сариқ металлдан ишланган узук ва сирға, икки дона сариқ рангли занжир, бир дона сариқ рангли мунчоқларни беради. Эвазига 390 минг сўм «қарз» олади. Бир уюм сариқ чақалик металларни қўлига олганича Бибижон қоларди. 390 мингни ўмарган фирибгар эса жуфтакни ростлади.

Худди шу куни Наталья Еремина ҳам «овга» чиққан эди. Соат 12.30 ларда «Ўрта қалъа» ОФЙнинг Панашам маҳалласида яшовчи Сапарбай Кўчқоровнинг уйига бориб, у ҳам синовдан ўтган усулни қўллайди. Яъни уни божхона ходимлари ушлаган, шунга 500 минг сўм пул керак бўлиб турибди. Эвазига гаровга тилла тақинчоқларини қолдиради. Хуллас, унинг икки дона цепочка, бир жуфт оқ қошли сирға, икки дона қизил қошли узук, икки жуфт қизил қошли сирғаларни бериб, «божхонадан нарсаларимизни олиб келиб, эвазига бир дона телевизор, бир дона музлатгич ва бир дона гиламни бериб кетаман» деган гапларига лаққа ишонган Сапарбой 500 минг сўм пулни фирибгарга ўз қўли билан топширади.

Анжела Люлякова ҳам 7 июнь куни Персида Степаненко каби ўлжа излаб чиққан эди. «Ўлжа» Амударё туманида яшовчи Ражаб Юлдашев бўлди. «Бизлар божхонада уч КаМАЗ юкимиз билан ушланиб қолдик. Шунга 400 минг сўм пул керак бўлиб турибди. Гаровга тилла тақинчоқларимни бериб кетаман» деб Анжела унга металдан ишланган икки дона занжир (цепочка), бир жуфт оқ қошли сирға ва узук, бир жуфт қизил қошли сирға ва узукларни қолдиради. Ражаббойдан 400 АҚШ долларини қуртдай санаб олиб, жўнайди. У 2005 йил 28 декабрь куни ҳам «Қиличбой» ОФЙда яшовчи Қизларгул Наримбетовани чув туширади. Унга ҳам аввалги «сценарий»ни қўллайди: «Божхона ходимлари бизларни ушлаб турибди, шунга 300 минг сўм пул керак. Эвазига гаровга тилла тақинчоқларимни қолдираман». Ушбу гапга лаққа ишонган Қизларгул бир жуфт сариқ рангли сирға ва узук ҳисобига 210 минг сўм пулни фирибгар қўлига топширади.

2006 йил 21 январь куни жиноят ишлари бўйича Амударё туман судида Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 168-моддаси 2-қисми «Б» ва «В» бандлари билан айбланган Персида Степаненко, Анжела Люлякова ва Наталья Ереминаларнинг жиноят иши кўрилди.

Улар қонун асосида тегишли жазоларини олди, албатта. Лекин юқоридагилардан хулоса чиқармоқ керак. Кимларгадир алданиб ёки бировга ишониб ўз мулкингизни ва мулкка бўлган ҳуқуқингизни фирибгарга топшириб кейин афсус қилиб юрманг, деймиз.

Шукуржон РАЖАБОВА,
Жиноят ишлари бўйича Амударё тумани суди раиси

Хоҳ ишонинг, хоҳ ишонманг

Таҳририятимизга куни кеча ғалати бир шикоят хати келди. Тўғриғи, илгари бундай мазмундаги арзномани учратмаган эдик, қизиқиб ўқиб чиқдик. Унда хусусий киностудиялардан бирининг олган янги фильми ҳали пойтахт экранларида қўйилмай туриб, бир неча вилоятга ғайриқонуний тарқатиб юборилгани, бундан студиянинг мулкий ҳуқуқларига путур етиб, катта зарар кўраётгани ҳақида ёзилганди.

КИНО ЎҒРИЛАРИ

ТАШКИЛОТ ВА МУАССАСАЛАР РАҲБАРЛАРИ, ҲУҚУҚ-ТАРТИБОТ ОРГАНЛАРИ, КИНО МУТАСАДДИЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

«Шайхонтоҳурфильм» студияси ижодий жамоаси шу йил баҳорнинг илк кунларида кино мухлисларига «Садоқат» деб номланган бадиий фильмни тортиқ қилди, — дейилади ушбу шикоят хатида, — **фильмнинг Республика киночилар уйида муваффақият билан намойиш этилаётганидан хурсанд эдик.**

Аммо 29 март куни Сирдарё вилоятининг Сирдарё шаҳрида «Садоқат» фильми бир неча кундан бери намойиш этилаяпти», деган хабарни эшитиб, барча қувончларимиз чил-парчин бўлди. Негаки, биз Сирдарё вилоятига ҳеч кимга фильмни қўйиш учун рухсат бермаган эдик. Демак, фильм кассетаси ўғринча йўл билан қўлга киритилиб, тарқатиб юборилган, деган фикрда тезда Сирдарё шаҳрига етиб бордик. Не кўз билан кўрайликки, шаҳардаги катта залларнинг бирида бир неча кундан буён «Садоқат» фильми намойиш этилаётган экан. Бино олдида эса катта ҳарфлар билан кино эълони ҳам осиб қўйилган. Бу ҳолатдан ёқа ушладик. Негаки, шундоқ шаҳарнинг ўртасида, ҳеч қандай ҳужжатсиз, қонунга тамомила зид ҳолда ўғирланган фильм намойиш этилаётгани шу пайтгача ҳеч кимни қизиқтирмаган эди. Ажабланарлиси шуки, бу киноя куппа- кундуз, туман ҳокимлиги, прокуратураси, милицияси, қолаверса солиқ инспекциясининг ёнгинасида содир этилмоқда...»

Маълум бўлишича, қандайдир нопок кимсалар ҳар хил йўллар билан «Садоқат» фильмини қўлга киритиб, уни яширинча вилоят туманларида, корхоналарда, ўқув даргоҳларида намойиш этаётган экан. Лол қоладиган жиҳати шундаки, улар фильм нусхаси ёзилган кассетани қандай қилиб олганини ҳатто студиядагиларнинг ўзлари билишмайди.

Хўш, ўша «кино ўғрилари» кимлар? Уларга бундай ноқонуний хатти-ҳаракат қилишга нега йўл қўйилмоқда? Бундан вилоятлардаги кино мутасаддиларининг хабари борми? Буларга жавоб излашдан олдин хусусий студияда кино яратиш машаққатларига қисқача тўхталсак.

«Шайхонтоҳурфильм» киностудияси ташкил этилганига уч йил тўлаётган бўлса, шу орада жамоа бир нечта фильмни мухлисларига тақдим этди. Киностудия директори Гайбулла Раззоқовнинг айтишича, «Садоқат» фильмини суратга олишга 3 йил вақт сарфланган. Ўртада қанча меҳнат, яна уларнинг ҳаммасига кетадиган сарф-харажат масаласи. Узоқ машаққатдан сўнг яратилган фильмдан қандайдир текинтомоқ фойдаланса...

Бунинг устига ушбу муаммога қуйинадиган, ёрдам берадиган бирор ташкилот топилмаса?.. Киностудия директори ўз шикоят хатида воқеанинг давомини шундай баён қилади:

«Масаланинг иккинчи томони бундан-да ачинарли бўлди. Биз туман прокурори Турғун Худойбердиевга «фильмимиз ноқонуний, ўғринча намойиш этилаётгани» ҳақида ариза бердик. У солиқ ва валютага оид жиноятларга қарши курашиш департаментининг туман бўлими суриштирувчи Шокир Давлатовга «кинони тўхтатиб, фильм кассетасини, айбдор шахсни топиб келиш»га буйруқ берди. Орадан ярим соат ўтмай департамент ходими киномеханикни олиб келди. Киномеханик ҳақиқатан «Садоқат» фильмини бир неча кундан бери кўяётганини, фильм кассетасини бир киши берганини айтди. Ва киножиҳозларини олиб келишларини айтиб департамент суриштирувчиси Ш.Давлатов ҳамроҳлигида жўнашди. Бироқ орадан 3-4 соат ўтса-да улардан дарак бўлмади.

Маълум бўлишича, департамент ходимлари ўша кино ўғрисини телефон орқали топиб чақиртирган. У департаментга келиб бўлим бошлиғи М.Бадиевга учрашган. Сўнг гойиб бўлган. Кассетани ҳам олиб келмаган. Ёпиғли қозон ёпиқлигича қолган. Мана орадан шунча кун ўтса-да бу масала мавҳумлигича қолмоқда. Наҳотки, кичкина бир шаҳарчада бир кишини топиш, фильм нусхаларини қаердан, кимдан олганини аниқлаш ва масалани қонуний ҳал этиш шунчалик қийин бўлса?!»

Энди бир мулоҳаза. Мазкур фильмни тайёрлашга маълум микдорда маблағ кетган. Студия ўз маҳсулотини кинотомошабинларга намойиш этиб фойда олиши, шу билан кейинги фаолиятини давом эттириши зарур. Бунинг учун эса у кинотеатрлар, қолаверса, «Ўзбеккино» Миллий агентлигининг вилоятлардаги ҳудудий бўлимлари билан маҳсулотини тарқатиш бўйича шартнома тузиши керак. Чунки, у шу йўл билан сарфлаган харажатини қоплайди, фильмларини аҳоли ўртасида тарғиб қилади. Халиги кимсалар ўзларининг хуфиёна, ўғринча ҳаракатлари билан бунга халақит берибгина қолмай, хусусий студияларни банкротга учрашига сабаб бўлмоқда. Чунки фильм ноқонуний йўл билан тарқалиб кетгач, одамларда унга қизиқиш камаяди. Қизиқиш, талаб бўлмагандан кейин уни кўриш учун кинотеатрга ким ҳам тушади дейсиз?!

Тасаввур қилинг, ҳозир бозорларда, кўчаларда ўн минглаб, балки юз минглаб интернет кафелар, видеокассета сотадиган шахобчалар мавжуд. Уларга қанчадан-қанча аҳоли мурожаат қилади. Минг-минглаб нусхада ўғирланган фильм кассеталари сотилмоқда. Лекин бирор-бир инсон «бу кинонинг лицензияси, ишлаб чиқарган ташкилотнинг рухсати борми», деб сўрамайди. Бу эса кино ўғриларига жуда қўл келмоқда. У ўзбек киноси ёки чет элники бўладими — ўғринча кўп нусхада тайёрланиб сотилаётган бу маҳсулотга ҳеч қайси жойда солиқ тўланмайди.

Бу савдолар орқали давлатдан яширилаётган миллионмиллион солиқ тушумларини-ку гапирмаса ҳам бўлади. Кинофильмга кетган маблағлар қайтмагандан сўнг, студия янги фильм ишлаб чиқариш учун сармояни қаердан олади? Шундай экан, ижодий жамоа ҳуқуқларини республикамизда қайси орган, қайси қонун ҳимоя қилади? Кино ишлаб чиқарувчи минг азоб билан фильмни ишлаб чиқарса-ю, маҳсулот экранга чиқиши билан кино ўғрилари уни ўғринча пуллаб юборишса?! Даромадни ишлаб чиқарувчи, меҳнат қилган эмас, кино ўғрилар олишса! Яна улар бемалол қинғир ишларини давом эттираверишса? Ахир ҳар қандай қонуний тадбиркорликни давлат, қолаверса қонун ҳимоя қилиши керак-ку?!

Ажабланарлиси, ҳозир кино ўғрилари ўзларининг уюшган ҳаракатлари билан ҳатто ҳуқуқ-тартибот идораларини ҳам лол қолдирмоқда. Баъзан, бу текинига ўрганган қаллобларга панжа ортидан қаралаётганининг ҳам гувоҳи бўлаяпмиз.

Шу ўринда савол туғилади: хўш, кино ўғрилари қандай йўл билан, кўпроқ қайси студияларнинг фильмларини қўлга киритишяпти? Маълум бўлишича, улар асосан хусусий студияларнинг киноларидан ана шундай фойда қилишмоқда. Масалан, «Бегона баҳор», «Ромео ва Жульетта ёхуд лаънатланган севги», «Сарвиноз» каби яна кўплаб фильмларнинг тақдири «Садоқат»дек аянчли бўлди. Бу фильмлар ҳам катта экранларда қўйилиб-қўйилмасдан туриб, ўғринча нусхалар бутун республикага тарқалиб кетди. Уни ишлаб чиқарган студиялар эса сарфлаган харажатларига куйиб қолавердилар. Мана сизга мантиқ.

— Кеча «Андижоннинг Асака шаҳрида кинонгиз қўйиляпти», деган гап эшитдик, — дейди Гайбулла Раззоқов. — Ундан бир неча соат олдин Бекободдан ҳам хабар келди, Бекободнинг ўзида, Зафар кўрғонидаги «Далварзин» номли маданият саройида «Садоқат» қўйилаётган экан. Бу қандай гап ахир, вилоят солиқ инспекцияси, ҳудудий кино бўлими мутасаддилари қаёққа қараяпти?

Ҳозир хусусий студиялар ўз маҳсулотини мустақил равишда сотиш, тарғибот қилиш ҳуқуқига эга, давлатимиз томонидан чиқарилган қонунлар бунга йўл беради. Лекин бугун киностудиялар маҳсулоти ўғринча тарқатилишидан ҳимоялайдиган ташкилот йўққа ўхшайди. Кино ўғрилари ҳам аҳмоқ эмас, улар айнан шу студиялар фильмини қўлга киритиш пайида бўлади.

Сўзимиз охирида шуни айтмоқчимизки, бадиий кинонинг ҳаётимиздаги ўрни, тарбиявий кучи, фарзандларимиз дунёқарашини шакллантиришдаги аҳамиятини ҳар биримиз яхши биламиз. Шу кино тайёр асарга айланиб хонадонимизга, томошабин қалбига кириб боргунга қадар киноижодкорлар қанчалик заҳмат чекиши ҳам кўпчилигимизга яхши маълум. Лекин уни тарқатишдаги қонунсиз ҳаракатлар... Булар кишини беихтиёр ўйлантириб қўяди.

Ҳуқуқ-тартибот идоралари, корхона ва ташкилотлар раҳбарлари бу воқеалардан тегишли хулоса чиқаради, деган умиддамиз.

Матназар ЭЛМУРОДОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири

Спорт

«ҚИРОЛ КУБОГИ» ХАЛҚАРО ТУРНИРИДА

Бокс бўйича Таиланд пойтахти Бангкокда «Қирол кубоги» халқаро турнири бўлиб ўтди. Дунёнинг ўн тўққиз мамлакатидан «чарм қўлқоп» усталари иштирок этган ушбу нуфузли мусобақада ҳамюртларимиз ҳам қатнашди. Ўзбекистон терма жамоаси умумжамоа ҳисобида битта олтин, икки кумуш ва битта бронза медали билан Таиланд ҳамда Жанубий Корея боксчиларидан кейин учинчи ўринни эгаллади.

Ўз вазн тоифасида барча учрашувларни кўтаринки руҳда ўтказган Афина олимпиадаси совриндори Ўткирбек Ҳайдаров шоҳсупанинг юқори поғонасидан жой олди. У финалда суриялик рақибини очколар ҳисобида катта устунлик билан мағлубиятга учратди — 28:17. Ҳал қилувчи бахсларда Жанубий Корея вакилларига қарши рингга кўтарилган Баҳодир Султонов (57 кг.) ҳамда Дилшод Маҳмудов (64 кг.)лар ўз вазн тоифаларида кумуш медаллар билан тақдирланишди. Шунингдек, яна бир боксчимиз Жасур Матчонов (91 кг.) эса бронза медалига сазовор бўлди.

«ПАХТАКОР» — «ФУЛАД» — 2:0

AFC CHAMPIONS LEAGUE

Футбол мухлисларининг мамлакат чемпиони — «Пахтакор» жамоасининг Осиё чемпионлар лигаси баҳсларидаги иштирокини ҳаяжон билан кузатишмоқда. Мусобақанинг «А» гуруҳида тўп сураётган пахтакорчилар дастлабки турда Суриянинг «Ал-Иттиҳод» жамоасини 2:0 ҳисобида мағлубиятга учратгач, навбатдаги турда Қувайтнинг «Ал-Қодисия» футболчилари меҳмони бўлганди. Бироқ, ушбу ўйиннинг 87-дақиқасигача 1:0 ҳисобида олдинда бораётган ҳамюртларимиз сўнгги паллада ўз дарвозаларидан иккита тўп ўтказиб, нақд ғалабани қўлдан чиқаришди. Бу эса «Пахтакор»нинг турнирдаги имкониятини анча пасайтириб юборди. Энди вакилларимиз кейинги босқичга чиқиш учун қолган учрашувларда фақат ғалаба қозонишлари керак.

Кеча Осиё чемпионлар лигасининг навбатдаги тур учрашувлари ўтказилди. Унда пахтакорчилар ўз майдонларида гуруҳ пешқадами Эроннинг «Фулад» жамоасини қабул қилди. Эронликлар ушбу тургача «Ал-Қодисия» (Қувайт) жамоасини йирик 6:0 ҳисобида енгиб, «Ал-Иттиҳод» (Сурия) билан (0:0) дуранг ўйнашганди. Агар «Фулад»ни ҳозирда хорватиялик мутахассис Ненад Николич бошқараётганлиги, таркибга маҳаллий футболчилардан ташқари ироқлик Эмад Муҳаммад, нигериялик Даниэль Окечукву каби моҳир ҳужумчиларнинг жалб этилганлиги ҳисобга олинса, «Пахтакор»нинг рақиби бирмунча жиддий эканлиги ойдинлашади.

Шу боис, бу икки жамоанинг учрашувига қизиқиш катта бўлди. Таркибини асосан Ўзбекистон миллий терма жамоаси номзодлари ташкил этган пахтакорчилар кутилганидек ҳужумкор футбол намойиш этишди. Фақат ғалаба иштиёқида майдонга тушган Валерий Непомняший шогирдлари ҳар қачонгидан-да уюшқоқлик билан ҳаракат қилдилар. Натижада ҳамюртларимиз рақиблари дарвозасига жавобсиз иккита тўп йўллашди. Тўпларни Зайниддин Тожиев ҳамда Сервер Жепаровлар киритди.

Гуруҳнинг иккинчи учрашувида «Ал-Иттиҳод» — «Ал-Қодисия» жамоалари ўзаро баҳс юритди. Осиё чемпионлар лигасининг «В» гуруҳида қатнашаётган мусобақа дебютанти Муборакнинг «Машъал» жамоаси эса Саудия Арабистонида «Ал-Ҳилол» футболчилари меҳмони бўлди.

Эркин ХОЛБОБО

БЕКХЭМ АМЕРИКАДА ЎЙНАРМИКИН?

Англия терма жамоасининг сардори Дэвид Бекхэм катта футболдаги ҳаётини АҚШда якунламоқчи эканлигини баён қилди. Мадриднинг «Реал» клуби ярим ҳимоячиси Испания чемпионатида яна уч йил ўйнаб 2009 йилдан океанортига бормоқчи. Унинг «Реал» билан шартномаси эса келаси йили якунланади.

Кейинги пайтларда ўттиз ёшли бу спортчи Лондон ва Лос-Анжелесда шахсий спорт академиясини очганди. У спорт билан хайрлашгандан кейин ана шу фаолият билан шуғулланмоқчи.

Эслатамиз, Бекхэм «Манчестер Юнайтед» футболи мактабининг тарбияланувчиларидан бўлиб, бу клубда миллий ва Европа микёсидаги энг олий мукофотларни қўлга киритган.

ШЕВЧЕНКО: ФУТБОЛДА МАРДОНА БЎЛАЙЛИК

Италиянинг «Милан» клуби тўпурари Андрей Шевченко мамлакатдаги етакчи спорт нашрларидан ҳисобланган «Gazzetta dello Sport»га интервью бериб, «Интер» клубини севган футбол фанатларининг кўрсатган найрангларини қоралади.

Гап шундаки, ўша жанжалда «Интер» сардори Хавьер Занетти ва унинг исмдоши Кристиан жароҳатланган эди.

— «Бу ҳақда жиддий ўйлаб кўриш керак. Агар аҳвол шундай давом этадиган бўлса, биз яқин орада қадимий Рим гладиаторларига айланишимиз мумкин, — дейди Шевченко. — Ким ютқазган бўлса, мардларча майдонни тарк этсин. Албатта, футбол фанатлари норозилик билдириши мумкин. Лекин стадионда ўтирганларга, футболчиларга ҳужум уюштириш одобдан эмас».

«ЧЕЛСИ»ГА МУНОСИБ ТЎПУРАР

Англиянинг «Челси» футбол клуби «Ювентус» жамоасининг тўпурари Златан Ибрагимович билан шартнома тузишга келишиб олди. Бу ҳақда Швеция терма жамоасининг аъзоси бўлган бу футболчининг агенти Мино Райол ахборот берган.

Ибрагимович «Челси» клубида йилига 4 миллион фунт стерлинг (7 миллион доллар) олади. Ўз навбатида «Ювентус» бу футболчи эвазига 32 миллион фунт (56 миллион доллар)га эга бўлади.

Бултур декабрь ойида «Ювентус» Ибрагимович билан шартнома муддатини узайтирмоқчи бўлганда, футболчи бунга кўнмаганди. Ўтган мавсумда эса Ибрагимович ўзини кўрсатиб, мухлислар назарига тушди.

RESPUBLIKA KO'CHMAS MULK BIRJASI

РЕСПУБЛИКА КЎЧМАС МУЛК БИРЖАСИ ВА «KIMOSHDI SAVDOLARI AGENTLIGI» ОЧИҚ АУКЦИОН САВДОЛАРИГА ТАКЛИФ ЭТАДИ!

2006 йил 18, 25 май ва 1,8,15,22,29 июнь кунлари соат 11.00да республика Кўчмас мулк биржасининг биносида аукцион комиссияси иштирокида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги аппаратига қарашли қуйидаги автотранспорт воситалари қўйилади:

1. *«ДЭУ-Супер салон» русумли, давлат рақами 10 UZ 668, 1997 йилда ишлаб чиқарилган.*
Бошланғич баҳоси — 4 600 000 сўм.

2. *«ДЭУ-Супер салон» русумли, давлат рақами 10 UZ 749, 1996 йилда ишлаб чиқарилган.*
Бошланғич баҳоси — 5 000 000 сўм.

Аукцион савдолари бўйича харидорлардан аризаларни қабул қилиш ва расмийлаштириш савдо бошланишидан 1 соат олдин тўхтатилади.

Аукцион савдосида қатнашиш учун харидорлар автотранспорт бошланғич баҳосининг 10 фоизи миқдорида закалат пули тўлаши шарт.

*Закалат пули **«Kimoshdi savdolari agentligi»**нинг АТИБ «Ипотекабанк»ининг Тошкент шаҳар, С.Раҳимов бўлимидаги ҳисоб рақамига: 20208000804265383002, КОД-00901, СТИР 204563716 ўтказилади.*

Қўшимча маълумотлар учун республика Кўчмас мулк биржаси ва «kimoshdi savdolari agentligi»га мурожаат қилишингиз мумкин.

Манзилимиз: Тошкент шаҳри, С.Раҳимов тумани, Қорақамиш 2/4 даҳаси, М.Ўразбоев кўчаси, 1-«А» уй, республика Кўчмас мулк биржаси биноси, 2-қават, 207-хона.

Маълумот учун телефонлар:
136-15-28, 399-80-23 факс.

МЕҲР-МУРУВВАТ ТАДБИРИ

Халқимизнинг қадимий ва азалий байрами Наврўзда нафақат сайлу шодиёналар уюштирилган, балки ёлғиз кексалар, кўп болали оилаларга ёрдам кўрсатилган, ногиронлар ҳолидан хабар олинган. Яқинда пойтахтимизнинг Юнусобод туманидаги Аҳмад Дониш маҳалла фуқаролар йиғини аҳли Наврўз байрами муносабати билан ана шундай савобли ишни амалга оширди. Йиғилганларга баҳор таомлари тортилди, байрам дастурхонига маҳаллада яшовчи кексалар, кам таъминланган ва кўп болали оилалар фарзандлари таклиф этилди.

— Бугун беморлар, уруш ва меҳнат фахрийларининг ҳолидан хабар олдик, — дейди маҳалла фуқаролар йиғини раиси Лобар Тўхтаева. — Бу ишда «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати туман бўлими раиси Маҳмуд Асомов, маҳалла фаолларидан Ғулом Мадаминбеков, Шаҳобиддин Мирҳожиев, Ҳаёт Жабборовлар ўз ҳиссаларини қўшишди.

(Ўз мухбиримиз)

Мулоҳаза

«САЛОМ ДЕГАН СЎЗНИНГ САЛМОҒИН ОҚЛАНГ!»

«Сўз боши салом, иш боши интизом». Салом бермоқ, алик олмоқ ҳар бир инсонга ҳам қарз, ҳам фарз. Ҳақиқатан салом бермай бир киши ёнидан ўтиб ҳам кетолмайсан.

Энди бу муқаддас калом замирида ҳам катта маъно бор. «Ассалому алайкум» ҳамда «Ваалайкум ассалом» деган сўзлар «Сизга омонлик тилайман», «Сизга ҳам омонлик бўлсин» деган яхши тилаклар изҳоридир.

Ҳақиқатан ҳеч кимга ҳам малол келмайдиган бу ибораларни эшитганда дилинг яйраб, кўнглинг кўтарилади. Аслида ҳам саломлашиш меҳр улашишдир, қадр-қимматдир.

Аммо ана шу бебаҳо тилакларни бир-бирига изҳор этиш айримларга малол келади. Баъзи бир амалдор эса саломингга алик олиш ўрнига қовоғини солиб, «хўш, нима гап», дейди. Милиция ходимлари орасида ҳам салом аликни бир четга суриб қўядиганлари оз эмас. Бир куни кўчада формаси ўзига ярашиб турган милиционер ёнидан ўтаётиб, «Ассалому алайкум» дедим бироз тўхтаб. У алик олмай «нимагап ока, тинчликми?» деди.

— Йўқ, ўзим шундай салом бердим, қарзимни уздим, — дедим.

Кўрдингизми, танимаганга салом берсангиз, ҳайрон бўладиганлар ҳам бор.

Бир гал маҳалламизда ёнимдан индамай ўтиб кетаётган бир йигитга «Нега ўзингдан ёши каттага салом бермайсан, ўғлим?, десам, у менга ёвқараш қилиб:

— Қизиқ одам экансиз. Мен сизни танимасам, — деб йўлида давом этди.

Халқ назари, бу гапда бир олам маъно бор. Бир оғиз «ассалому алайкум» дейиш билан киши камайиб ёки отдан тушиб қолмайди. Аксинча назарга тушади. Салом берганга ўзгача меҳр билан қарайсан. Халқимиз меҳр кўзда деб бежиз айтмаган. Саломлашиш билан ўртада қандайдир илиқлик пайдо бўлади.

Шоир айтмоқчи:

Дўстлар, яхшиларни авайлаб сақланг!
«Салом» деган сўзнинг салмоғин оқланг!
Ўлганда юз соат йиғлаб тургандан —
Уни тиригида бир соат йўқланг!

Бу ҳикматли сатрларда салом-аликнинг қадри ўз ифодасини топган. Тўғри, одам гавжум жойларда ҳамма билан бирма-бир сўрашишнинг имкони йўқ. Лекин, маҳалла-кўйда, йўлақда кетаётиб рўпарангдан келаётган ёши улуғларга «Ассалому алайкум!» десанг, ўйлайманки, аввало ўзимизни ва ўша инсонни ҳурматлаган ва қадрлаган бўламиз.

Юнус ЗИЁДОВ

BOSH MUHARRIR:
Safar OSTONOV

TAHRIR HAY`ATI:
Abdulla ORIPOV
Latif G`ULOMOV
Asliddin RUSTAMOV
Ashur QODIROV
Bobir ALIMOV
Farruh HAMROYEV (Bosh muharrir birinchi o`rinbosari)
Alimqul SULTONOV (Bosh muharrir o`rinbosari)
Andrey ORLOV (Bosh muharrir o`rinbosari «Golos Uzbekistana»)
Norbobo SHAKAROV
Nomoz SA`DULLAYEV
To`lepbergen QAIPBERGENOV
Muslihiddin MUHIDDINOV
Olim MURODOV
Abdug'ani MAMASODIQOV (Mas'ul kotib)

MUASSIS:
O`ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

BO`LIMLAR:
Siyosat, partiya va xalqaro hayot 133-10-13
Ma`naviyat va ma`rifat 133-69-45
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot 133-20-36
Parlament va huquq 136-76-21
Ekologiya va salomatlik 133-44-55
Axborot, sport va harbiy vatanparvarlik 133-21-43
Xatlar va ommaviy ishlar 133-12-56 (Tel. Faks)
Mas`ul kotib 133-72-83
Reklama va e`lonlar 133-38-55, 133-47-80

VILOYAT MUXBIRLARI:
Andijonda — 25-32-70
Buxoroda — 222-10-92
Gulistonda — 25-22-32
Jizzaxda — 5-49-85
Navoiyda — 223-83-73
Namanganda — 6-43-43
Nukusda — 222-70-15
Samarqandda — 35-20-54
Urganchda — 226-51-35
Farg`onada — 26-43-62
Termizda — 3-79-98

MANZILIMIZ:
700000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO`CHASI, 32-UY.
e-mail: info@uzbekistonovozi.uz

Navbatchi: Shohaydar MIRHABIBOV

Gazeta «O`zbekiston ovozi»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.
Sahifalovchi-dasturchi: Ikromjon ISMOILOV

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko`chasi, 41-uy.

Gazeta O`zbekiston Matbuot va axborot agentligida 008-raqam bilan ro`yxatga olingan.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi.
Hajmi 2 bosma taboq.
Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.

«O`zbekiston ovozi» materiallarini ko`chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 650
11276 nusxada bosildi
t — Тижорат материали
O`zA yakuni — 21.00
Topshirish vaqti — 24.40
2 3 4 5 6
Sotuvda erkin narxda